

793 - وَعَنْ سَمْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْبَسُّو الْبَيَاضَ؛ فَإِنَّهَا أَطْهَرُ وَأَطْيَبُ، وَكَفِنُوا فِيهَا مَوْتَاكُمْ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ، وَالْحَاكِمُ وَقَالَ: حَدِيثٌ صَحِيقٌ [س 4/34، كـ .[1/354

793. Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Оқ (либос) кийинглар. Чунки у пок ва хушхолроқдир. Маййитларингизни у билан кафандланглар», деб айтдилар.

Имом Насаий ва Ҳоким ривояти. Ҳоким уни саҳиҳ ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Абу Довуднинг ривоятида:

«Кафанда ортиқчаликка йўл қўйманглар. Чунки у тезда суғириб олинади», дейилган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмонлар учун оқ рангли кийим афзал экани.
2. Мусулмонларнинг кафани ҳам оқ рангли бўлиши.
3. Кафандага ортиқча сарф қилиш дуруст эмаслиги.

Бу баҳоси қиммат нарсани олишга ёки керагидан ортиқча кўп мато ишлатишга ҳам тегишилидир.

«Чунки у тезда суғириб олинади», яъни, чириб кетади. Бунда мол зое кетади. Исломда молни зое қилиш ҳаром.

Оиша онамиздан ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу

ўлим тўшагида ётганларида устларидаги кийимларига қарабдилар. Унда бир неча сариқ доғлар бор экан. Кейин:

«Ушбу кийимни ювиб, яна икки кийим зиёда қилиб, мени кафандланглар», дедилар. Мен:

«Бу эски-ку?» дедим.

«Янгига тирик одам ҳақлироқ», деди», дейилган.

Ҳа, ўлган кишининг тирикларда ҳаққи бор, ҳурмати бор, лекин ҳаммаси шариат кўрсатган чегарада бўлиши керак. Кези келганда яна шу масалага тегишли айтиб қўйиш лозим бўлган бир гап бор.

Маййитнинг дафнига лозим бўлган ҳамма сарф-ҳаражатлар унинг ўз молидан бўлади. Агар ўзининг моли бўлмаса, унинг нафақасини қилиши керак бўлган одамнинг молидан бўлади. У ҳам бўлмаса, байтул молдан бўлади. У ҳам бўлмаганда эса, ўзига тўқ мусулмонларнинг маошидан бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

